

Аллоҳим, Сенга бўйин эгдим

05:05 / 05.01.2018 3889

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан яна ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳумма лака асламту ва бика аманту ва ʼалайка таваккалту ва илайка анабту ва бика хосамту. Аллоҳумма аъзу биъиззатика ла илаҳа илла анта ан тудилланий антал ҳаййуллазий ла тамуту вал жинну вал инсу ямутуна» (яъни: **«Аллоҳим, Сенга бўйин эгдим. Сенга иймон келтирдим. Сенга таваккал қилдим. Сенга қайтдим. Сенинг ёрдаминг ила хусуматлашдим. Аллоҳим, мени адаштирмоғингдан Иззатинг ила паноҳ тилайман. Сендан бошқа илоҳ йўқ. Сен тирикдирсан, ўлмайсан. Жин ва инслар ўлишади»**), деб айтардилар.

Муттафақун алайҳ. Бу имом Муслимнинг лафзи, имом Бухорий уни қисқа ривоят қилдилар.